

XIX – XX АСР Бошларида Хива Хонлигига Суд-Хуқуқ Тизими (Қозихона Ва Диний Бошқарув)

Сайдрасул Ҳусанов, ўқитувчи,
Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона ш.

Аннотация: Хива хонлиги ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллаган давлатлардан бири ҳисобланади. Хива хонлигининг сиёсий ҳаёти, унинг маъмурий бошқарув тартиби, амалда бўлган унвон, мансаб ва лавозимлар, улар эгаларининг вазифалари муҳим илмий тадқиқот обьекти бўла олади. Мазкур муаммолар турли даврларда олим ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бироқ бу йўналишда жумбоқлар ва муаммолар кўп.

Мазкур тақолада Хива хонлигининг сиёсий жараёнларига бевосита таъсир этувчи XIX – XX аср бошларида Хива хонлигига Қозихона ва диний бошқарув тизими тадқиқ қилинади. Хива хонлигининг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёти, диний ва маҳаллий бошқарув тизимини ёритишида яқиндан ёрдам беради.

Калит сўзлар: Шайх ал-ислом, қози, қози калон, қози аскар, дор ал-қазо, аълам, муфти, раис, мутавалли, муazzин, мударрис, охун, имом, оқсоқол, кадхудо, эшон.

КИРИШ

Хонликда Қозихона ва диний бошқарув масалалари илк бор тадқиқ этилаётган бўлиб мавзуга оид маълумотлар Хива тарихчилари ҳамда Х.Вамбери, П.П.Иванов, А.Болтабоев, Я.Ғуломов, М.Йўлдошев, А.Абдурасолов, ва С.Сабуроваларнинг асослари асосида ёритилади.

Маълумки, Хива хонлигига давлатни бошқаришда ислом дини мафкуравий асосни ташкил этган. Қонунлар шаъриат тартиб ва ўюриклари асосида амал қилган.

МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Ислом хуқуқи, яъни шаъриат идоралари лавозимлари қаторига қози ал-қуззот, қози калон, қози аскар, аълам, муфтий ва бошва лавозимлар кирган. Юқори мансабдорлик лавозимига шайх ал-ислом мансуб бўлган.

Шайх ал-ислом (арабча) – ислом таянчи, муайян мамлакатдаги барча ислом ташкилоти бошлиғи – олий дин вакили унвони. Ўрта Осиё хонликларида ва бошқа давлатларда шайх ал-ислом энг олий диний лавозим хисобланган ва унга саййид ва хўжалардан бўлган уламо руҳонийлар тайинланган.

Хонликда шайх ал-ислом энг юқори мартабали киши эди. У диний маросимларининг аниқ бажарилиши устидан назорат қилади. Шайх ал-ислом хоннинг ўнг томонида ўтириш хуқуқига эга эди[1]. Мударрислар, қозилар ва бошқа амалдорлар хоннинг сўл томонида ўтирадилар.

Қози (арабча) – ҳукм қилувчи, амалга оширувчи маъноларини билдиради. Қози шаъриатда – судья. Ҳуқукий ишларни ҳал этиш вазифасини бажарувчи мансабдор. Шунингдек васийлик, васиятнинг бажарилиши, мерос тақсимотига тегишли ишларни амалга оширган. Вақф ишлари ҳам қози назоратида бўлган. Қозилар ҳукми қатъий бўлиб, уларнинг қарорлари устидан факат ҳукмдор, хонга шикоят қилиш мумкин эди. Қози калон энг юқори даражадаги қози бўлиб, у хонлиқдаги барча қозилар устидан назорат қилган.



Қози калон (арабча, форсча) – Ўрта Осиё хонликларида барча қозилар, диндорлар ва муллаларнинг бошлиғи, раиси бўлиб, бош қози сифатида ҳам диний, ҳам адлия ишларини бошқарган. Барча мусулмон давлатларида бўлгани каби Хива хонлигига ҳам ҳуқуқ масалалари динга қарашли бўлиб, ҳуқуқ масалалари ва армия маъмуриятининг ҳам раиси қози калон ҳисобланган.

Қози калон фуқароларнинг даъволари, шикоятлари билан шуғулланарди. Олий жазо талаб қилинадиган жиной ишлар унинг вазифасидан узоқ, бу ишларни хоннинг ўзигина кўрар эди[2]. Ҳижрий ҳисобда 1240 (1824-1825) йили қизи калоннинг 11 навкари бўлган.

Қози калон расмий қабул маросимларида хоннинг ўнг томонида биринчи ўринда, қози аскар эса иккинчи ўринда ўтирган[3].

Қози урду ёки қози аскар (арабча, туркча) – ҳарбий хизматдагиларнинг судьяси. Қўшиндаги қонун қоидалар устидан назорат қилиб, шаръий масалаларни ҳал қилиб турган. Баъзи ҳолларда қози аскар (аскария қозиси) илтимосга мувофиқ ҳарбий бўлмаган мунозараларни ҳам кўриш учун қабул қилган. Хон сафарга чиққанида қози аскар унга ҳамроҳ бўлиб, ўз вазифасига тегишили ишлар бўйича шахсан ўзи маълумот берган.

Вилоят марказларида вилоят қозиси бўлиб, маҳкама номи **Дор ал-қазо** эди.

Аълам (арабча) – муфтийлар бошлиғи ҳисобланиб, диний ва қозихона увони. Шаъриат илмида етук бўлган олимларга берилган. Унинг вазифаси фатволарда келтирилган шаъриат ривоятларини аслига мослигини текшириб муҳр босишдан иборат бўлган. Аълам мадрасаларда ҳам дарс бериши шарт эди.

Муфти (арабча) – фатво берувчи, олий мартабали диний ҳуқуқшунос. Муфти диний ҳуқукий масалаларни изоҳлаш, талқин этиш ҳуқуқига эга эди. Шаркнинг мусулмон мамлакатларида муфтийлик ҳукумат тайинлайдиган расмий лавозим ҳисобланган.

Муфтилар қозиларнинг ҳуқуқшунослари ҳисобланиб, улар иш кўрилган иштирок этишлари, ҳукмнома тузишлари, ривоятнинг тўғрилигинитасдиқлаш учун хужжатларга муҳр босишлари лозим бўлган. Барча муфтиларнинг хоннинг сўл томонида жойлари бўлган. Муфти раис хоннинг ўнг томонида тўртинчи ўринда ўтирган. Муфтилар иштирок этган йиғинларда мударрислар ҳам қатнашганлар. Хивада бош муфтилар 7 нафар бўлган[4]. Муфтилардан кейинги погонада раислар турган.

Раис (арабча) – Ўрта Осиё хонликларида XX асрнинг биринчи чорагида мавжуд бўлган мансаб. Раис баъзида муҳтасиб деб ҳам аталган.

Мутавалли (арабча) – диний муассасаларда хайр-эҳсон маблағлари ва ҳўжалик ишлари билан шуғулланувчи ҳўжалик нозири. Мутавалли вақф мулки, мулклардан келадиган даромадни назорат қилиш, тақсимлаш, ижарага бериш, охун ва мударрисларга маош тўловчи амалдор. Ўқув ишларига аралашмаган. Хива хонлари архивларида мутаваллиларнинг вақф ерларидаги фаолиятлари жуда аниқ кўрсатилган[5].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Абулғози Баходирхон ўз ёнидан мутавалли учун бир жой ажратган. Бироқ XIX асрнинг учунчи чорагидаги хон саройидаги рўйхатга қараганда иккита мутавалли бўлган. Улар Хивадаги энг катта икки мадрасанинг мутаваллиси бўлиб, кейинчалик сарой хизматига ўтганлар. Мутаваллилар қаромоғидаги вақф ерларидан кеоадиган даромадлар катта бўлганлиги сабаб, мазкур мансабларга хон уруғларидан тайинланиш холатлари ҳам учраган. Улар хонга



қариндош бўлганликлари учун хукмдорнинг ёнида шайх ал-исломдан кўра яқинроқ ерда ўтириш учун ўрин олганлар.

Мударрис (арабча) – мадраса ўқитувчиси. Муайян илоҳиёт фанларидан дарс берган. Ҳозирги шарқ мамлакатларида мадрасалар ва диний университетларда фақат диний илмлар эмас, дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам мударрис деб аталади[6].

Охун/охунд (арабча) – ваъзхон, нотик, дин тарғиботчиси, мулло, муаллим, устоз маъноларини билдиради. Катта мадрасаларда охунлар сони кўп бўлган. Масалан Оллоқулихон мадрасасида 7 та охун, 2 та муаззин хизмат қилган[7]. Мударрис ва охунлар ўзлари таълим берган мадрасанинг вакфидан маош олиб турганлар, мадраса уларга хужра ҳам берган.

Умуман Хива хонлиги худудида XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида 120 та мадраса, 63 та қориҳона, 1636 та масжид, 200 дан ортиқ “авлиё”ларнинг қабри ҳамда 25500 та уламо (эшон, мулла, охун, муфти ва бошқалар) бор эди. Агарда 1909 йилга тегишли архив ҳужжатлари маълумотларига суюнадиган бўлсак, хонлик худудида 1500 мадраса-мактаб бўлиб, уларда 45000 талаба ўқир эди[8].

Мадрасалар қуриб битказилиши билан хон ёки мадраса хомийлари томонидан уларга маҳсус вакф ерлари ажратилиб, барча мол-мулк қози томонидан муҳрланиб, қонунийлаштирилган. Хонликда таълим-тарбия билан бутунлай диний муассасалар шуғулланган. Улар жами маънавий ҳаётнинг ягона маркази ҳисобланган.

Илм олувчи муассаса мадрасалар бўлгани маълум.

Абдулла Болтабоевнинг маълумотларида хонликдаги 26 та мадрасанинг номи кўрсатиб ўтилган[9]. Унга кўра XIX асрда Хива мадрасаларнинг тузулиши ўзига хос бўлиб, ҳар бир ҳужрада 2 та талаба яшаган. Барча ҳужралар эшиклари ҳовлига қаратилган бўлиб, ҳар бир ҳужрада ўчок ўрнатилган. Яшаш шароитлари нисбатан яхши ташкил этилган. Ҳар бир мадраса бошқаруви қуидагича тузилган: мадрасанинг мутаваллиси, муаззини, охунлари ёки мударрислари (ўқитувчилари), фарроши, сартароши ва мешкобчиси (сувчи) бўлган.

Муаззин (арабча) – масжид ва мадрасаларда азон айтиб намозга чорловчи шахс.

Хонликнинг маҳаллий бошқармалари, уларнинг тузулиши тўғрисидаги маълумотлар энг қийин масалалардан бири бўлиб келган. Бироқ М.Йўлдошев ва П.П.Ивановнинг Хива хонлари архивини ўрганиши натижасида қимматли материалларга эга бўлинди. С-699 ва 74-сонли солғут дафтарлари бутун хонликнинг маъмурий ҳудудий бўлиниши тўғрисида маълумот бериш билан бирга, айrim масжидларни жойлашган ўрни ва маҳаллий бошқарувдаги аҳамиятини очиб беришда муҳим саналади. Бу маълумотга кўра хонликда 1183 та масжид бўлганлигини биламиз.


Хива хонлигига масжид ва мадрасалар учун ажратилган вакф ерлари ҳам алоҳида ўрин тутган. Бу ерлардан тушадиган даромадни уламолар масжид ва мадрасаларнинг харажатлари учун сарфлаганлар.

Вакф мол-мулки давлат назоратидан холи бўлганлиги учун ундан келадиган даромад вакф тутувчи ихтиёри бўлган.

Вакф мулкига давлат солиғи солинмас эди. Ундан келадиган фойда, даромад вакф назоратчиси лавозимига маҳсус тайинланган – муиавалли кўрсатмасига биноан сарфланган.

Хива хонлигига баъзи бир муҳим давлат ишларини масжидлар бажарар эди.

Ҳар бир маҳалла ўз масжидига эга бўлиб, бу масжидлар шу ерлик аҳоли жамғарган маблағ ҳисобига қурилган. Масжид номи эса жойлашган маҳалла ёки уни курган киши номи билан аталган. масжид имоми қози калон (бош қози) томонидан тайинланган.



Масжид жамоасида хукумат **оқсоқоллар** ёки **кадхудолар** қўлида бўлиб, улар энг бой ерли заминдорлардан тайинланган.

Оқсоқол (туркча) – қария, мўйсафид. Катта бошлиқ, арбоб маъноларини ифодалайди. Хонликлар оқсоқоллар мансабдор ва ҳурматли кишилар бўлиб, маҳалла бошқаруви уларнинг зиммасида эди.

Оқсоқоллар маҳалланинг одобли, ҳулқли, обрўли кишиларидан сайланган ва хон томонидан тасдиқланиб, қози калон эса унга ёрлик топширган. Оқсоқол ҳокимият олдида маҳалла номидан хисоб берар, ўзаро низоларни бартараф этиш, кичик маҳаллий масалаларни (жазони енгиллатиш, кафолат бериш, тўй ва маросимларини ташкиллаш) ҳал этиш ҳуқуқига эга эди. Улар хонликнинг барча фармонларини аҳли жамоага етқизар ва соликларни ундирилишида кўмаклашар эдилар. Бу хизматлар учун оқсоқоллар хонликдан хизмат ҳақи олмаганлар.

Кадхудо (форсча) – қишлоқ оқсоқоли, бошлиқ, раҳбар деган маъноларни ифодалайди. Сўнги ўрта асрларда Хива хонлигига мавжуд бўлган уруғ бошликлари лавозими.

Эшон (форсча) – улуг авлодларнинг ва сўфиийлик оқимидағи диний раҳномоларнинг фаҳрий унвони, асл маъноси “улар” деган маънони беради. Эшонлар мусулмон жамоасининг бошлиғи, мураббийси ҳисобланган. Ўрта асрларда сўфиийлик оқими раҳномоларига мурожаат қилишда уларнинг исмлари ўрнига “эшон”, баъзан “пир” сўзлари ишлатилган.

Хива ҳукуматининг таъсири билан шаъриат қозиларининг ўзига хос мактаби вужудга келди. Бу урф одат бўйича қозилик қилувчилар бийлар билан рақобатда эди. Қозилар хонлар томонидан тайинланарди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XIX асрда Хива хонлигига мукаммал маҳаллий бошқарув тизими вужудга келган эди. Мамлакатнинг ўтроқ халқлар яшайдиган бутут худуди маъмурий жиҳатдан вилоят, шаҳар ва масжидларга бўлинган. Вилоятларни ҳоким ва ноиблар идора қилиб, уларни хон томонидан тайинланган амалдорлар ташкил этса, масжид ва қишлоқларни энг бой ва нуфузли имом, оқсоқоллар идора қилган.

XIX асрда Хива хонлигига марказий бошқарув аппарати билан бир қаторда туманлар ва масжидлар доирасида бирмунча тартибга солинган маҳаллий маъмурий идоралар ҳам қарор топган эди.


Суд (қозилик) идораларининг усули (олий суддан тортиб маҳаллий судларгача) қуйи лавозимларнинг юқори идораларга бўйсуниш қоидасига мувофиқ тузилган эди. Суд ишлар шаъриат қонунлари асосида юргизилган.

Адабиётлар:


1. Йўлдошев М. Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – 6.273
2. Йўлдошев М. Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – 6.276
3. Йўлдошев М. Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – 6.278
4. Баёний. Хоразм тарихи 357а вароқ
5. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. //Исследование и описание документов с историческим введением. Новые источники для истории народов Средней Азии. –Л.; ГПБ, 1940. Б. 150-153
6. Чориев З. Тарих атамаларнинг қисқача изоҳли лугати.-Т.Шарқ, 1999. –Б.78-79
7. ЎзМДА, ф.- И-125, рўйхат1, иш 596, вароқ 8
8. ЎзМДА, ф. 1009, иш 9, вароқ 10




9. Шарипова, К. (2023). СЕМЬЯ, МАХАЛЛЯ, ШКОЛЬНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ. *INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE* 2022, 2(18), 53-57.
10. Sharipova, K. (2023). MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG'RIKENGLIK O'ZBEK XALQINING YUKSAK QADRIYATIDIR. *Talqin Va Tadqiqotlar*, 1(18). извлечено от <http://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/1246>
11. Абдурахмонова, М. М., & Турғунбоев, А. Ф. (2022). ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ, ШАҚЛЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Research Focus*, 1(1), 324-326.
12. Абдурахмонова, М. М., & Турғунбоев, А. Ф. (2022). БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ-ЖАМИЯТ ХАЁТИНИНГ БОШ БЎГИНИ СИФАТИДА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(11), 704-709.
13. Абдурахмонова, М. М., & Турғунбоев, А. Ф. (2022). Формирование Рынка Труда Как Фактор Развития Народного Хозяйства. *Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science*, 3(8), 1-6.
14. Абдурахмонова, М., Хонкелдиева, К., & Турғунбоев, А. (2022). ФОРМИРОВАНИЕ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ КАК УСЛОВИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ ПЕАЛИЗАЦИИ ЦЕЛЕВЫХ КОМПЛЕКСНЫХ ПРОГРАММ В РЕГИОНЕ. *O'ZBEKİSTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMİY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 878-882.
15. Abduraxmonova, M. M., & Turgunboyev, A. F. (2023). AHOLIGA SIFATLI IJTIMOIY XIZMATLAR KO 'RSATISHDA JAMOATCHILIK FIKRIGA TAYANISH SAMARADORLIGI. *O'ZBEKİSTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMİY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(22), 192-200.
16. Mamajonova, D. (2023). WAYS TO COMBAT CRIME AND IMPROVE THE CRIME PREVENTION SYSTEM. *IMRAS*, 6(7), 227-236.
17. Мамажонова, Д. (2022). КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР-ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 688-693.
18. Боротов, А. (2023). ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР. *Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования*, 2(Maxsus son), 154-155.
19. Боротов, А. (2022). ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ТАКОМИЛ ЙЎЛИДА. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 96-102.
20. Khomidovich, B. A. (2023). DEVELOPMENT OF PRIVATE PROPERTY AND BUSINESS. *World Bulletin of Management and Law*, 18, 105-107.
21. Ахмедбекова, М. (2023). ОИЛА ТАРБИЯСИ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Research Focus*, 2(3), 164-168.
22. Ahmedbekova, M. (2022). THE IMPORTANCE AND SIGNIFICANCE OF THE DEVELOPED ARTISTIC AND AESTHETIC CREATIVITY OF THE YOUNG GENERATION AND FINE ARTS IN SOCIETY. *Science and Innovation*, 1(8), 112-119.
23. Qahhorovna, A. M. (2023). MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA TASVIRIY FAOLIYAT MASHGULOTLARINI TASHKIL ETISH TEXNOLOGIYALARI. *IQRO*, 2(2), 553-561.



24. Maxpuzakhon, A. (2022). Methods of Using Modern Pedagogical Technologies in Organizing Fine Arts Lessons. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(11), 268-271.
25. Adkhamjonovich, U. U. B. (2023). A Look at the Veterinary History of Turkestan in the Late 19th-Early 20th Centuries. *International Journal of Formal Education*, 2(5), 81-84.
26. Adhamjonovich, U. (2022, November). INFORMATION ON ANIMAL HUSBANDRY IN TURKESTAN (LATE XIX-EARLY XX CENTURIES). In *Proceedings of International Educators Conference* (Vol. 1, No. 2, pp. 89-95).
27. Ўрмонов, У. (2022). Вопросы борьбы с болезнями скота в Туркестане.(Конец XIX–начало XX). *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 383-389.
28. Ўрмонов, У. А. (2023). ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА МАРФИЛОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ТАЛҚИННИ (XIX аср охири–XX аср бошлари). *Miasto Przyszłości*, 42, 340-345.
29. Adkhamjonovich, U. U. B. (2022, November). THE ROLE OF LIVESTOCK AND PRODUCTS IN THE DOMESTIC AND FOREIGN TRADE AT THE END OF THE 19TH CENTURY-THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY (On the example of Fergana Valley). In *Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities* (Vol. 1, No. 3, pp. 30-35).
30. Ўрмонов, У. (2022). ҚАДИМГИ ФАРГОНАНИНГ ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 27, 96-101.
31. Бекмирзаев, Р. Б., & Илебаев, А. К. (2023). БАБУР-ШАХ И СУЛАЙМАН-ТОО. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 18, 158-162.
32. Ахматова, А., Илебаев, А., & Бекмирзаев, Р. (2023). ЗЕБ УН-НИСА ОЧАРОВАНИЕ И ТРАГЕДИЯ. *Interpretation and researches*, 1(1).
33. Ахматова, А., Илебаев, А., & Бекмирзаев, Р. (2023). «КУДАТГУ БИЛИГ» ОБ ИГРАХ И ЗАБАВАХ В ОБЩЕСТВЕННОЙ ЖИЗНИ. *Interpretation and researches*, 1(1).
34. Bekmirzayev, R. B. (2023). FARG ‘ONA VODIYSIDAGI ZAMONAVIY MILLATLARARO MUNOSABATLARGA TA’SIR ETUVCHI IJTIMOIY-IQTISODIY MUAMMOLAR. *Research Focus International Scientific Journal*, 2(4), 64-67.
35. Begalievich, B. R., & Nimatovna, A. A. (2023). ABOUT THE CHARMING CREATION OF ZEBU UN-NISSA BEGIM. *Academia Science Repository*, 4(04), 879-887.
36. Zoirjon, A. (2023). Important aspects of ensuring the effectiveness of training in primary education. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 12(6), 67-73.
37. Aripov, Z. (2023). MODERN REQUIREMENTS FOR THE PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF A TEACHER. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 2(7), 175-178.
38. Zoirjon, A., & Ominaxon, O. (2022). NUTQ BUZILISHI TURLARI VA ULARNING XUSUSIYATALRI. *Research Focus*, 1(4), 216-221.
39. Toirjonovich, A. Z. (2023). Creative Self-Development of the Personality of the Future Teacher. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 4(2), 49-56.
40. Арипов, З. Т. (2020). Процесс Формирования Коммуникативно-Речевой Готовности Старших Дошкольников К Обучению. In *Проблемы Филологического Образования* (pp. 108-112).
41. Gulnoza, K. (2023). SOCIAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF COOPERATION “FAMILY-NEIGHBORHOOD-EDUCATIONAL INSTITUTION”. *Research Focus International Scientific Journal*, 2(6), 99-104.



42. Karimova, G. Y. (2023). THE IMPORTANCE OF THE FORMATION OF CIVIC ENGAGEMENT AND SOCIAL ACTIVITY AMONG YOUNG PEOPLE. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 563-570.
43. Боротов, А., & Каримова, Г. (2023). Конституция и законодательный акт. *Вестник Ошского государственного университета. Право.*, (1 (2)), 1-5.
44. Бозаров, Д. М., & Каримова, Г. Й. (2021). МУРАККАБ ИЖТИМОЙ ТИЗИМЛАРДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛИНИНГ ЎРНИ. *Oriental Journal of Social Sciences*, 1(1), 1-9.
45. Боротов, А. (2023). СОБИҚ ИТТИФОҚ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУСУСИЙ МУЛК: РИВОЖЛАНИШ ИЕРАРХИЯСИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ АСОСИДА). *Interpretation and researches*, 1(1).
46. Рафикова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). Ёшларни ижтимоий фаоллигини оширишда қадриятларнинг аҳамияти. *Перекрёсток Культуры*, 2(1).
47. Karimov, U. U. (2023). THE IMPORTANCE OF FAMILY EDUCATION AND EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 580-588.
48. Saidrasul, X. (2023). MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR BIRLIGI. *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH*, 2(23), 101-108.
49. Xusanov, S. (2023). KATTA FARG ‘ONA KANALI QURILISHI TARIXIGA NAZAR (NOYOB ARXIV HUJJATLARI ASOSIDA). *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 16, 425-429.
50. Xusanovich, X. S. (2022). XIVA XONLIGIDA XIX-XX ASRNING BIRINCHI CHORAGIGA QADAR DAVRIDA ARXIV ISHI VA UNING O ‘RGANILISHI. *Research Focus*, 1(3), 94-98.
51. Khushanov, S. (2021). Qozikhona and religious rule in khiva khanate in the beginning of xix-xx centuries. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(12), 758-763.
52. Khushanov, S. (2022). Khiva madrasahs. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(6), 107-111.
53. Khushanov, S. (2022). Historiography of the problem of record keeping and archival affairs of the Khiva khanate in the XIX-early XX centuries. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(6), 93-98.
54. Xusanovich, X. S. (2023). XIVA XONLIGIDA QO ‘NG ‘IROTLAR HUKMRONLIGI DAVRIDA ARXIV ISHI VA UNING O ‘RGANILISHI (XIX-XX ASRNING BIRINCHI CHORAGIGA QADAR). *Miasto Przyszłości*, 42, 346-350.
55. Sharipova, K. (2023). YETIM VA OTA-ONA QAROMOG ‘ISIZ QOLGAN BOLALARNI IJTIMOIY HIMoyalashda XALQARO RIVOJLANGAN DAVLATLAR TAJRIBASI. *Academic research in educational sciences*, 4(Periodical Collection 7), 177-183.
56. Sulaymonov, K. (2022). THE INFLUENCE OF OBJECTIVE AND SUBJECTIVE FACTORS ON THE FORMATION OF THE INTELLECTUAL CULTURE OF YOUTH. *Science and Innovation*, 1(3), 688-696.
57. СУЛАЙМОНОВ, Қ., & ХОШИМОВА, М. ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА АГРАР СИЁСАТИ (1870-1900 ЙИЛЛАР). *ЭКОНОМИКА*, 610-613.
58. Kurbon, S. (2023). FUQAROVIY FAOLLIK VA UNING FUQAROLIK JAMIyatidagi O ‘RNI. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 2(15), 185-191.



59. Sulaymanov, K., & Nabijonovna, H. M. (2023). ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTONDAGI AGRAR SIYOSATINING MA'MURIY-HUQUQIY ASOSLARNI ISHLAB CHIQILISHI VA TATBIQ ETILISHI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSİYALAR VA ILMİY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(19), 1278-1282.
60. Kurbon, S. (2023). SOCIO-SPIRITUAL AND MORAL ASPECTS OF THE FORMATION OF CIVIL POSITIVITY IN YOUNG PEOPLE. *PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS*, 2(23), 91-95.